

Сийрат суҳбатларига марҳабо!



14:41 / 20.09.2023 1550

Фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ ҳар йили мавлид ойида халқимизга сийратни ўрганиш борасида янги илмий асар тақдим этиб, ушбу мавзуга оид анжуман ва илмий тадбирлар ўтказишга кўп эҳтимом берар эдилар. Бир неча йилдирки, юртимизда у кишининг номлари берилган масжидда ушбу анъана давом этиб келмоқда.

Бу йил ҳам шу анъанага мувофиқ, икки олам сарвари, Одам болаларининг афзали, охир замон Пайғамбари, севиқли Набиййимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллуд топган рабиъул аввал ойи муносабати билан «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжидида юртимиз уламолари билан сийрат суҳбатлари бўлиб ўтади.

«Расулуллоҳ — тинчлик элчиси» шиори остида олиб бориладиган маърифий суҳбатлар юртимизнинг мўътабар уламолари ва имом-хатиблари

томонидан тақдим этилади.

Сийрат суҳбатлари ҳижрий 1445 йил рабиъул аввал ойининг 6 санаси, милодий 2023 йил 21 сентябрь пайшанба кунидан бошлаб, шу ойнинг сўнгига қадар ҳафтанинг ҳар душанба ва пайшанба кунлари, шом намозидан сўнг бўлиб ўтади.

Оламларга раҳмат қилиб юборилган, уммат муаллими бўлган зотнинг сийрат суҳбатларига ташриф буюрадиган муслима опа-сингилларимиз учун ҳам масжидда шароитлар ҳозирланган.

Барчангизни илм гулшанига, сийрат бўстонига таклиф этамиз!